



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2016 йил 15 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» номли маърузасининг мазмун-моҳияти

Иқтисодий ўсиш

8,0 %



ЯИМнинг ўсиши, 2015й.

1,5 марта



Ўсиш

Охириги 5 йилда

1,7 марта



Аҳоли жон бошига

Жаҳон иқтисодиётининг ўсиши, %

	2015	2016 (прогноз)
Жаҳон иқтисодиёти	3,1	3,4
Ривожланган давлатлар	1,9	2,1
Ривожланаётган давлатлар	4,0	4,3
МДҲ давлатлари	-2,8	0,0
Хитой	6,9	6,3
Россия	-3,7	-1,0
Қозоғистон	0,9	1,1

Манба: IMF, январ 2016й.

Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

2015 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръати таъминланганлигининг асосий омиллари

1. Хусусий секторнинг кенг ривожланишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш борасида тизимили ишларнинг амалга оширилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштириш дастурнинг амалга оширилиши.

ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,7 фоиздан ошди. 2000 йилга нисбатан унинг улуши 1,8 баробар ошди. Ушбу соҳада банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ишламоқда.

Агар 2000 йилда саноатда кичик бизнеснинг улуши 14 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 38 фоиздан ошиб кетди.

2. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланганлиги.

Инфляция даражаси – 5,6%, давлат бюджети профицити ЯИМга нисбатан 0,1% миқдоридан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасида 450 млн. доллар ижобий сальдо таъминланди. Давлатнинг ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 18,5 фоиздан ошмади (халқаро молия ташкилотларнинг нормаси бўйича 60 фоиздан ошмаслиги керак).

Тижорат банкларининг жами капитали 23,3 фоизга ва уларнинг активлари 25,1 фоизга ўсди.

2015 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръати таъминланганлигининг асосий омиллари

3. Ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, технологик янгилаш. саноат ишлаб чиқариш 8 фоизга, жумладан истеъмол товарлари 9,7 фоизга ўсди. Айниқса, ЯИМда саноатнинг улуши ошди.

Йирик корхоналарда 162,4 млн. долларлик салкам 4 мингта маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 10,5 фоизга пасайтириш, шунингдек, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 820 тадан ортиқ турларини ўзлаштириш натижасида тармоқлар рақобатдошлигини ошириш имконини берди.

4. Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш. Бунда хомашё ва ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлаш асосида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий ва юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди.

2015 йилда жами 15,8 миллиард доллар эквивалентида инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўпдир. Жами инвестицияларнинг 21 фоизи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. 2015 йилда умумий қиймати 7,4 миллиард доллар эквиваленти бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

2015 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръати таъминланганлигининг асосий омиллари

5. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмани ривожлантириш.

Ишлаб чиқаришга интенсив агротехнологиялари жорий қилиш, қайта ишлаш, сақлаш қувватларини кенгайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши натижасида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 6,8% (прогноз 6,1%) га ўсди.

Ер майдонларини оптималлаштириш натижасида 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил қилинди.

6. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш. 2015 йилда ЯИМ ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келди.

Бунда, авваламбор замонавий информацион-коммуникация технологияларига асосланган хизмат турларини тез ривожлантириш ҳисобига хизмат кўрсатиш 14,0 фоизга ошди. Унинг ЯИМдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 2015 йилда 54,5 фоизга етди. Ушбу соҳада банд аҳолининг ярми ишламоқда.

Мамлакатимизнинг 2016 йилга белгилаб олинган марра ва мақсадлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларини аниқлаб олишда ҳали-бери давом этаётган глобал инқироз билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муммоларни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас, албатта

Жаҳон иқтисодиёти

- ✓ Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг пасайиши;
- ✓ Жаҳон товар-хомашё бозорларида нарх-навонинг кескин тушиб кетиши;
- ✓ Жаҳон савдоси ўсиш суръатларининг пасайиши;
- ✓ Жаҳон бозорларида бизнинг экспорт маҳсулотларимизга бўлган талабнинг пасайиши;
- ✓ Инвестиция фаоллигининг пасайиши ва инвестицияларнинг ривожланаётган давлатлардан чиқиб кетиши;
- ✓ Геосиёсий вазиятнинг кескинлиги.

2011-2014 йилларда асосий экспорт товарлари нархининг тушиши:

- олтин – 1,5 марта;
- пахта толаси – 1,8 марта;
- мис – 1,3 баробар;
- уран – 1,7 баробар;

2015 йилда яна 20-25 %.



Ўзбекистоннинг узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ривожланишнинг прогноз кўрсаткичлари

Ўзбекистонни ўртача ривожланган давлатлар
орасида даромади юқори бўлган мамлакатлар
қаторига киритиш

Аҳоли жон бошига
ялпи ички
маҳсулот ишлаб
чиқариш камида
10-12 минг АҚШ
долларини
ташkil қилиши

ЯИМни
2016-2020
йилларда
1,3 баробарга
ошириш

ЯИМни
2016-2030
йилларда
2,0 марта
ошириш

2030 йилгача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, марта



Мавжуд минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш



хомашёни дастлабки
қайта ишлаш, яъни
ярим фабрикатлар
тайёрлаш

ярим
фабрикатлардан
тайёр материаллар
ишлаб чиқариш

истеъмол учун тайёр
маҳсулотлар ишлаб
чиқариш

2020 йилга бориб экин майдонлари таркибининг ўзгариши

Маҳсулот тури	Майдони, минг га
Пахта	- 170,5
Бошоқли дон	-50
Картошка	36
Сабзавот	91
Мева	18,0
Узум	11,2
Озуқа экинлари	50,3
Мойли экинлар	14,0

Узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожланиш омиллари

- ✓ Иқтисодиётда чуқур таркибий ва институционал ўзгаришларни давом эттириш;
- ✓ Иқтисодиётда хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш;
- ✓ Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш;
- ✓ Иқтисодиётга инвестицияларни кенг жалб қилиш;
- ✓ Кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш

2016 йилги иқтисодий дастурнинг ЭНГ муҳим устувор йўналишлари

I йўналиш

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш

2016 йилда:

- ✓ ЯИМ – 7,8%
 - ✓ Саноат – 8,2%
 - ✓ Қишлоқ хўжалиги – 6,1%
 - ✓ Капитал қўйилмалар – 9,6%
 - ✓ Чакана савдо айланмаси – 14%
 - ✓ Хизматлар кўрсатиш – 17,4%
 - ✓ Инфляция – 5,5-6,5% доирасида сақлаш
-
- ✓ Умумий қиймати 5 миллиардан зиёд бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳалари якунланади.
 - ✓ Жами иқтисодиётга 17,3 миллиард долл. инвестициялар йўналтирилади. Ўсиш суръати 109,3% бўлади. Унинг 4 миллиарддан ортиғи хорижий инвестициялар ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 20,8% кўпдир.

2016 йилги иқтисодий дастурнинг ЭНГ муҳим устувор йўналишлари

II йўналиш

2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурининг асосий йўналишларини сўзсиз бажариш бўйича бошланган ишларни давом эттириш

2016 йилда:

- ✓ 513 км автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш.
- ✓ Ангрен-Поп темир йўлини ишга тушириш.
- ✓ Самарқанд-Бухоро, Қарши-Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш.

Темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш

Ўта муҳим транспорт лойиҳаси ҳисобланган 123 километрлик Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини жадал амалга оширилмоқда. Темир йўлнинг 19,1 километри денгиз сатҳидан 1465 метр баландликдаги мураккаб тоғ тизмаларини кесиб ўтувчи тоннелдан иборат. Ушбу тоннел Ўрта Осиёда ва Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг узун замонавий тоннел ҳисобланиб, дунёда 13-ўринда туради.



2016 йилги иқтисодий дастурнинг ЭНГ муҳим устувор йўналишлари

III йўналиш

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш

- ✓ Ер-сув ресурслари чекланган шaroитда улардан оқилона ва самарали фойдаланиш.
- ✓ Ернинг унумдорлиги, унинг бонитетидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини навлар бўйича тўғри жойлаштириш.
- ✓ Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда 2020 йилгача бўлган даврда экин майдонлари таркибини оптималлаштириш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларига эришиш. 2020 йилга бориб, пахта ва ғалла экин майдонлари 220,5 минг га қисқаради.
- ✓ Паст бонитетли, шўрланган, пахтага яроқсиз бўлган тоғолди ерларида ғўза экилмайди.
- ✓ 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 6,1 фоизга ошириш.

2016 йилги иқтисодий дастурнинг ЭНГ муҳим устувор йўналишлари

IV йўналиш

**Ижтимоий соҳани
ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт
даражаси ва сифатини янада
ошириш**

- ✓ Аҳоли реал даромадлари – 9,5%
- ✓ Ўртача иш ҳақи, пенсия, стипендия, ва нафақаларни, солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда – 15% га ошириш кўзда тутилмоқда.
- ✓ Ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ажратилади.
- ✓ Ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ажратилади.
- ✓ Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджетларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади.
- ✓ Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга нисбатан 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди.
- ✓ Жорий йилда 13 та олий таълим муассасаларидаги қурилиш ва реконструкция ишларига 355 миллиард сўм ажратилади.

2016 йилги иқтисодий дастурнинг ЭНГ муҳим устувор йўналишлари

V йўналиш

Иқтисодиётимиз рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш

- ✓ Жаҳон бозорларида рақобат курашининг кучайиши. Хомашё ресурслари нархининг пастлиги ва нобарқарорлиги.
- ✓ Экспортни диверсификация қилиш, унинг таркибида қўшимча қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотлар улушини ошириш.
- ✓ Экспорт фаолиятига янги иштирокчиларни жалб қилиш ва янги бозоларга кириб бориш.

2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари

VI йўналиш

Иқтисодиёт тармоқларида
замонавий ахборот-
коммуникация
технологияларни кенг жорий
этиш, “Электрон ҳукумат”
tizими фаолиятини янада
ривожлантириш.

- ✓ Глобал иқтисодиётда АКТ роли
ошиб бормоқда.
- ✓ АКТнинг мамлакат
рақобатдошлигига таъсири.
- ✓ Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг
тахминан 5,5 фоизи АКТ соҳасига
тўғри келмоқда.
- ✓ 2020 йилга бориб 9 фоиздан
ошади.
- ✓ Корея ЯИМида унинг улуши 11,8%,
Швецияда – 7%, АҚШда – 6,8%.

